

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
**Protected by PDF Anti-Copy Free**

Жиноят қўрилари бўйича Бўстонлик тумани суди, 2024 йил 20 февраль куни, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья Тилоходжаев,

Судья ёрдамчиси Н.С.Заванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстонлик туман прокурорининг ёрдамчиси С.Зафаров, судланувчини ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “Advokat Kamilov” адвокатлик бюроси адвокати С.Камиловлар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан айбланган И.Тилоходжаевга оид 1-1106-2402/40-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

**Тилоходжаев Иззатиллоходжа Шукриллоходжаевич** (Tilohodjayev Izzatilloxodja Shukrillaxodjayevich) 1986 йил 1 май куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ҳарбий хизматга мажбур, оилали, уч нафар фарзандлари бор (8,3 ёш, 3 ойлик), муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шайх Шиблий м.ф.й., Шайх Шиблий кўчаси, 16-уйда истиқомат қилган, айблов хулоса нусхасини 2023 йил 3 декабрь куни олган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2023 йил 30 ноябрдан қамоқда сақланаётган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчини ҳимоя ва охириги сўзларини эшитиб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И

2023 йил 19 сентябрь куни соат тахминан 22.00 ларда Тошкент вилояти ИИББ ва Чирчиқ шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбири давомида, судланувчи И.Тилоходжаев кучли таъсир қилувчи дори воситаларини сотиш мақсадида, Чирчиқ шаҳар, 2-кичик ноҳия ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар олдидаги махсус жойга 10 дона “Регапен” дори воситасини беркитириб, шартли харидор “А” исмли шахс билан учрашиб, ушбу дори воситалари учун шартли харидор “А” исмли шахсдан 600.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини олган вақтида, холислар иштирокида ашёвий далил билан ушланган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2023 йил 3 октябрдаги 842/23-сонли хулосасига кўра, тақдим қилинган “iLKO REGAPEN 300 mg Capsule Pregabalin 2301140006 03.2026” ёзувли завод қадоғидаги 2 дона конвалюта бўлагидаги жами 10 дона оқ-қизил рангли капсулалар

таркибидаги ((S)-3-(аминометил)-5-метилгексан кислотаси) прегабалин кучли таъсир кўрсатувчи дору бўлиб, умумий нархи 3 граммни ташкил этиши аниқланган.

**Protected by PDF Anti-Copy Free**  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Суд мажлисида суроқ қилинган судланувчи **И.Тилоходжаев** унга эълон қилинган айбига қўйилган иқдорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам 2023 йил 19 сентябрь кунини тахминан 18:30 ларда унга таниши У.Олимжонова қўнғироқ қилиб “Регапен” дори воситаси олиб беришини сўраганлигини, у У.Олимжонова ушбу дорилар мавжуд эмаслигини, лекин таниши “Қодир” дан сўраб кўришини айтганлигини, У.Олимжонова рози бўлганидан сўнг таниши “Қодир” га қўнғироқ қилиб, “Регапен” дори воситаси бор ёки йўқлигини сўраганлигини, “Қодир” ундан нечта кераклигини сўраганида, у 4 дона пластер кераклигини айтганлигини, “Қодир” унга 12 дона дори воситаси борлигини айтганлигини, шундан сўнг У.Олимжонова унга қўнғироқ қилиб, дори воситалари нима бўлганини сўраганида, у 10 дона “Регапен” дори воситаси борлигини айтганлигини, шунда У.Олимжонова унга “Иззат ака илтимос мен капельница олиб ётибман, ушбу дорини олиб келиб беринг пулини бераман” деганлигини, у У.Олимжоновага “ўзинг келиб олиб кет, мен бормайман” деганида, “ака илтимос олиб келиб ташланг” деганлигини, шунда у рози бўлиб, “Қодир” га қўнғироқ қилиб, ундаги 12 дона дориларни ҳаммасини олишини айтганлигини, шу куни соат тахминан 20:00 ларда Юнусобод туманидаги кўприк тагида “Қодир” билан учрашиб, 12 дона “Регапен” дори воситасини олиб, пулини эртаси куни беришини айтганлигини, “Қодир” рози бўлганидан сўнг ўзини сомсахонасига келиб, 2 дона дори воситасини ўзи истеъмол қилганлигини ҳамда “Yandex” иловаси орқали такси чақириб, Чирчиқ шаҳрига борганлигини, соат тахминан 22:00 ларда У.Олимжонова юборган геолокация бўйича Чирчиқ шаҳридаги кўп қаватли уйлар қурилаётган майдонга бориб, такси ҳайдовчисига шу ерда кутиб туришини, Тошкент шаҳрига қайтиб кетишини айтганлигини, шундан сўнг такси автомашинасидан тушиб, шу ердаги қазилган ариқдан ўтиб, У.Олимжоновага қўнғироқ қилганлигини ва келганини айтганида, У.Олимжонова унга ҳали ҳам капельница олиб ётганини, дорини олиш учун укаси “Хусан” тушишини, пулни ҳам укасидан бериб юборишини айтганлигини, шунда у болалар майдончасида ўтирган шахсдан шубҳаланиб, У.Олимжонова билан гаплашиши жараёнида ёнидаги 10 дона “Регапен” дори воситасини шу атрофдаги арчанинг тагига ташлаб қўйганлигини ва У.Олимжонова айтган йўлак (подъезд) ёнига борганлигини, шундан сўнг ушбу йўлакдан нотаниш шахс чиқиб, унга 600.000 сўм бериб, дорини сўраганлигини, у “юринг кўрсатиб юбораман” деган вақтида уларни олдига ИИО ходимлари келиб, ўзларини таништириб, холислар иштирокида уни ва у келган такси автомашинасини кўриқдан ўтказишганлигини, уни ёнидан дори воситаси учун номаълум шахс берган 600.000 сўм миқдордаги пул маблағлари чиққанлигини, ИИО ходимлари ундан таксидан тушиб

ҳаракатланган тарафни кўрсатишини сўрашганлигини, у уларга ҳаракат йўналишини кўрсатишини, ИИО ходимлари у ҳаракатланган йўналишларни кўздан кечириб, у арчанинг тагига ташлаб қўйган дори воситаларини топиб, ушбу дори воситалари кимга тегишли эканини сўрашганида, у ушбу дори воситаларини У.Олимжоновага бериш учун олиб келганини айтганлигини, шундан сўнг ИИО ходимлари уни ёнидан олган пул маблағларини сана рақамларини солиштиришданида, уларни серия ва рақамлар номада акс эттирилган пулларнинг серия ва рақамлари билан бир хил эканлиги аниқланганлигини, шундан сўнг уларни ИИБга олиб боришганлигини, у ерда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, у “Қодир” исмли танишига дори воситаси ўзини истеъмоли учун кераклигини айтганлигини, “Қодир” дори воситасини У.Олимжоновага олиб бориб беришдан хабари бўлмаганлигини, у 2023 йилнинг июнь ойидан буён “Регапен” дори воситасини истеъмол қилишини, у ушбу дори воситасини “Қодир” исмли шахсдан доимий равишда донасини 60.000 сўмдан сотиб олганлигини, шу сабабли “Қодир” унга дори воситасини пулини кейинчалик беришга рози бўлганлигини, У.Олимжонова унга капельница олиб ётганлиги сабабли дори воситасини олиб келиб беришни илтимос қилганлиги учун рози бўлиб, ўзи учун “Қодир” дан олган дори воситасини У.Олимжоновага олиб борганлигини, у ҳеч ким билан тил бириктирмаганлигини, ҳозирги кунда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтиб, уни оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи И.Тилоходжаевнинг айби, жиноят тафсилотларини батафсил ёритиб берган гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тўлиқ тасдиқланган, жумладан:

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **У.Олимжонова** ҳақиқатан ҳам унга олдинган таниш бўлган И.Тилоходжаев уни танишларига “Регапен” дори воситаси сотаётганини эшитиб, Чирчиқ шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, 2023 йил 19 сентябрь кuni И.Тилоходжаевга кўнғироқ қилиб, 10 дона “Регапен” дориси кераклигини айтганлигини, шунда И.Тилоходжаев унга ҳар 1 дона “Регапен” дори воситаси 60.000 сўмдан 10 дона дори жами 600.000 сўм бўлишини айтганлигини, шунда рози бўлганлигини ва бу ҳақда ИИО ходимларига маълум қилганлигини, ИИО ходимлари унга И.Тилоходжаевни Чирчиқ шаҳар, Ифтихор м.ф.й., Янги Ўзбекистон массиви, 7-уй олдида чақиритиши ҳақида геолокация ташлашини айтганлигини, шундан сўнг у И.Тилоходжаев юқоридаги геолокацияни ташлаб берганини ва ИИО ходимларига холислар иштирокида ўз хоҳиши билан 600.000 сўм миқдоридан пул маблағларини тақдим этганлигини, ИИО ходимлари холислар иштирокида ундан олган пул маблағларини серия ва рақамларини ёзиб, унга қайтариб беришганлигини ва бу ҳақда баённома расмийлаштирилганлигини, ИИО ходимлари унга И.Тилоходжаев белгиланган жойга келган вақтида уларга кўнғироқ қилишини, пулларни

“Хусан” исмли қариндошидан бериб юборишини, дориларни қариндошига бериб юборишини айтганлигини, шу куни соат тахминан 22:00 ларда И.Тилоходжаев кўнғироқ қилганида, касаллиги сабабли “Хусан” исмли қариндоши пулни олиб чиқишини, дориларни “Хусан”дан бериб юборишини айтганлигини, И.Тилоходжаев рози бўлганидан сўнг бу ҳақда И.Тилоходжаевнинг ИИО ходимларига хабар берганлигини, орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг ИИО ходимлари кўнғироқ қилиб, И.Тилоходжаевни ушлашга кўнғироқ қилишганлигини, ИИО ходимлари унга И.Тилоходжаевга капелъница олиб ётганини, “Регапен” дори воситаси учун пулларни қариндоши “Хусан” олиб чиқишини ва дори воситасини “Хусан”дан бериб юборишини айтганлигини маълум қилиб кўрсатма берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **Б.Маханов** ҳақиқатан ҳам у ўзига тегишли “Nexia-3” русумли, давлат рақами 10 U 147 DB бўлган автомашинада “Yandex” иловаси орқали йўловчи ташиш билан шуғулланишини, 2023 йил 19 сентябрь куни соат тахминан 20:00 ларда чақирувга асосан кейинчалик унга маълум бўлган И.Тилоходжаевни мижоз тариқасида олганлигини ва И.Тилоходжаев берган геолокация бўйича Чирчиқ шаҳридаги кўп қаватли уйлар қурилаётган майдонга борганлигини, шунда И.Тилоходжаев унга шу ерда кутиб туришини, Тошкент шаҳрига қайтиб кетишини айтиб, автомашинадан тушиб кетганлигини ва кўп қаватли бино ёнидан ўтиб, шу ердаги арча олдида тўхтаганлигини ва бир оз вақт ўтиб шу тарафдаги ҳовли томон кетганлигини, орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг уни олдида ИИО ходимлари келиб, ўзларини таништиришиб, унга автомашинадан тушишини, автомашина ҳужжатларини тақдим қилишини ва бу ерда нима сабабдан келганини сўрашганлигини, ИИО ходимлари билан И.Тилоходжаев ҳам бўлганлигини, у ИИО ходимларига ҳужжатларни тақдим этиб, И.Тилоходжаевни мижоз сифатида олиб келганини айтганлигини, шундан сўнг ИИО ходимлари билан И.Тилоходжаев тўхтаган кўп қаватли бино олдидаги арча ёнига боришганлигини ва ушбу арчанинг тагида 10 дона дори воситалари борлигини кўришганлигини, ИИО ходимлари И.Тилоходжаевдан ушбу дори воситалари кимга тегишли эканини сўрашганида, И.Тилоходжаев дори воситаларини У.Олимжоновага бериш учун олиб келганини айтганлигини, шундан сўнг уларни ИИБга олиб боришганлигини, у ерда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини айтиб кўрсатма берди.

Судланувчи ва тарафларнинг розилиги билан суд мажлисига келмаган гувоҳ **Ж.Носиржонов, А.Юсуфжонов**ларнинг дастлабки терговда берган кўрсатмаси ўқиб эшиттирилди ва бунга эътирозлар бўлмади.

Судланувчи И.Тилоходжаевнинг айби гувоҳларнинг кўрсатмаларидан ташқари, билдирги, ариза, тазкор тадбир ўтказиш ҳақида қарор, назорат остига олиш қидирув тадбирини ўтказиш мақсадида пулларнинг серия рақамларини қайд этиш ва тақдим этиш

баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, нарсани ашёвий далил сифатида тасвир қилиш баённомалари, кечериш хатлари, судга оид кимёвий экспертизаси хулосаси, видео ёзувни ва нарсани кўздан кечериш баённомаси, судга оид наркологик экспертизаси хулосаси ва мазкур жиноят ишида тўплаган холисона ҳамда бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан таъсир қилиш баённомаси ва судга оид баённомаларни асослашнинг асослиги ва адолатли бўлиши ҳақиқатлигини топган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши ҳақиқатлигини асослашнинг асослиги, ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатдан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши, суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши, суднинг ҳукмида ифодаланган барча хулосалари асосланган бўлиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 6-бандида “Судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи И.Тилоходжаевнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари “кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда жўнатиш ва ўтказиш”да ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорини 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукми ЖКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган

бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмида, суриштирув, даъво ва тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва эшиттирилгандагина ҳавола қилиниши мумкин”лиги қайд этилган.

Жинойят иши ҳужжатларидан суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи И.Тилоходжаев 2023 йил 19 сентябрь куни соат тахминан 22:00 ларда Чирчиқ шаҳар, 2-кичик ноҳия худудида жойлашган кўп қаватли уйлар олдидаги махсус жойга 10 дона “Регален” дори воситасини беркитириб, шартли харидор “А” исмли шахс билан учрашиб, ушбу дори воситалари учун шартли харидор “А” исмли шахсдан 600.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини олган вақтида, холислар иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбири давомида ашёвий далил билан ушланганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 29-моддаси 2-қисмида “Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади” деб кўрсатилган.

Қонун мазмунига кўра, иштирокчиликнинг дастлабки икки (оддий ва мураккаб) шакли муайян жиноят таркибини содир этиш учун турли даражадаги келишиб олган бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатлари ҳолатларини таърифлаши, мазкур икки шакл “энг оддий” жинойий уюшмаларни ифода этиши, чунки улардаги барқарорлик даражаси алоҳида олинган жиноятни содир этиш учун зарур бўлган вақт доираси билан чекланиши, аynи вақтда муайян жиноятни содир этишда, ҳатто, кучларнинг энг кам миқдордаги бирлашуви ҳам бир киши томонидан содир этиладиган жиноятга нисбатан ижтимоий муносабатлар учун ҳаммиша хавфлиги, худди шу ҳолатнинг ўзи бир киши томонидан ва икки ёки ундан кўпроқ шахслар томонидан содир қилинадиган жиноятларга бўладиган жавобгарликка нисбатан табақалашган ёндашувни ижтимоий зарур қилиб қўйганлиги, оддий шакл икки ёки бир неча шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноятни содир этишда иштирок этиши, иштирокчиликнинг мазкур шакли оддий ва кам хавфлиги, иштирокчилар ўртасидаги субъектив боғланиш жуда кам бўлиб, у жиноятни содир этишда бошқа шахснинг қўшилганлигини билиши билан чекланиши, субъектив боғланиш жинойий мақсадни амалга оширишнинг аввалида ёки жиноятни амалга ошириш вақтида пайдо бўлиши, бундай ҳолатда иштирокчиларнинг ҳаракати объектив равишда уларнинг жинойий ҳаракати таркибий қисмини ташкил қилиши, аксарият иштирокчиликнинг оддий шакли жиноятни биргаликда бажаришда намоён бўлиши, бунда вазифаларни аниқ бўлиб олиш ҳолати бўлмаслиги ва ҳар бир иштирокчи томонидан аниқ жиноят таркибининг объектив томонини тўла ёки қисман бажарганлиги кузатилиши, аynи пайтда

оддий шаклда вазифаларнинг тақсимланиши истисно этилмаслиги мумкинлиги, бу ҳақда тақсимлаш қилишти бевосита содир этиш жараёнида амалга ошириши назарда тутилган.

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)  
 Судланувчи И.Тилоходжаев суд мажлисида, “Қодир” исмли танишига дори воситаси ўзи истеъмоли учун кераклигини айтганлиги, “Қодир” дори воситасини У.Олимжоновага олиб беришдан хабари бўлмаганлиги, у 2023 йил июнь ойидан буён “Регапен” дори воситасини истеъмол қилишбу дори воситасини “Қодир” исмли шахсдан доимий равишда донасини 60.000 сўмдан сотиб олганлиги, шу сабабли “Қодир” унга дори воситасини пулини кейинчалик беришга рози бўлганлиги, У.Олимжонова унга капелъница олиб ётганлиги сабабли дори воситасини олиб келиб беришни илтимос қилганлиги учун рози бўлиб, ўзи учун “Қодир”дан олган дори воситасини У.Олимжоновага олиб борганлиги, ҳеч ким билан тил бириктирмаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Гувоҳ У.Олимжонова суд мажлисида, И.Тилоходжаевга кўнғироқ қилиб, 10 дона “Регапен” дориси кераклигини айтганлиги, шунда И.Тилоходжаев унга ҳар 1 дона “Регапен” дори воситаси 60.000 сўмдан 10 дона дори жами 600.000 сўм бўлишини айтганлиги, ИИО ходимлари унга И.Тилоходжаев белгиланган жойга келган вақтида уларга кўнғироқ қилишини, пулларни “Хусан” исмли қариндошидан бериб юборишини, дориларни қариндошига беришини айтишини сўрашганлиги учун И.Тилоходжаев кўнғироқ қилганида, касаллиги сабабли “Хусан” исмли қариндоши пулни олиб чиқиши, дориларни “Хусан”дан бериб юбориши сўрганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сонли Қарорининг 15-бандида “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни кўп миқдорни ташкил қилмайдиган миқдорда ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун айбдорлар ҳар қандай ҳолларда ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми билан жинойий жавобгарликка тортилади. Агар мазкур ҳаракатлар айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда - такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ томонидан ёхуд кўп миқдорда содир этилган бўлса, қилмиш тегишли равишда ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи ёки учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим” деб тушунтириш берилган.

Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчисининг 2023 йил 4 ноябрдаги қарорига кўра, судланувчи И.Тилоходжаевга “Регапен” дори воситасини ўтказган “Қодир” исмли шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатган ҳолда алоҳида иш юритувига ажратилган.

Бундан ташқари, Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчисининг 2023 йил 1-сентябрда қарорига кўра, У.Олимжонова ва Б.Махановларнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят ишининг ушбу нисбатан қисми тугатилган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари томонидан судланувчи И.Тилоходжаевнинг бир қанча шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этганини рад этиб бўлмайдиган объектив далиллар мажмуи билан исботланмаган, суд мажлисида ҳам мазкур ҳолатни тасдиқлайдиган далилларни тўплашни имкони бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида “Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим” деб, 23-моддасида “Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак” деб, 463-моддасида “Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши лозим” деб кўрсатилган.

Шу сабабли суд, судланувчи И.Тилоходжаевнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмидан “кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш, яъни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир

қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда жўнатиш ва ўтказиш”да назарда тутилган тўғрисида қонуннинг 25-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда адолатлилик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқарраб асосий принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, судланувчи И.Тилоходжаевга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсадини, айб шакли ва даражасини инobatга олиш билан бирга, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабабларини ва бунга олиб келган шарт-шароитини, уни шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътироф этиб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, судга оид наркологик экспертизасининг 2023 йил 25 октябрдаги 20-сонли хулосасига кўра, судланувчи И.Тилоходжаев гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш касалликдан мажбурий тарзда даволанишга муҳтож эмаслигини инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўлламасликни лозим деб топади.

Бундан ташқари, суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов бўлимида махсус омборда сақланаётган 10 дона “iLKO REGAPEN 300 mg Capsule Pregabalin

2301140006 03.2026” ёзувли завод қадоғидаги капсулаларни ҳукм қонуний кучга киритишнинг ўрнида олиш; 1 дона CD дискни жиноят асосида қайтарилганини инобатга олишни; 1 дона CD дискни жиноят иши хужжатларида сақлашнинг зарим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Жиноят учун ҳукм қилинишига қарамай, қим қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи қисмидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек авф этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга” деб белгиланганлиги сабабли суд, судланувчи И.Тилоходжаевга ҳукм устидан юқори турувчи судга апелляция тартибида шикоят қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-468, 471, 473-моддаларига асосан, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Тилоходжаев Иззатиллоходжа Шукриллоходжаевич (Tilohodjajev Izzatilloxodja Shukrillaxodjajevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу моддага асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан И.Тилоходжаев 2023 йил 30 октябрдан 2024 йил 20 февралга қадар 3 (уч) ой 20 (йигирма) кун қамоқда сақланганини эътиборга олиб, дастлабки қамоқнинг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб ташлансин ва ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизи миқдориди давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 1 (бир) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазони ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган, яъни маҳкумнинг иш ҳақидан давлат даромадига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш ва ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИО ФМБ ҳузуридаги Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

И.Тилоходжаевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган:

- Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов бўлимида махсус омборда сақланаётган 10 дона “iLKO REGAPEN 300 mg Capsule Pregabalin

2301140006 03.2026” ёзувли завод қадоғидаги капсулалар ҳукм қонуний кучга кирган ҳисоб қилинсин;

- тадбирда ишлатилган 600.000 сўм миқдоридagi пул маблағи аризачи У.Олимжоновага тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин;

- 1 дона CD диск жиноят ҳужжатларида сақлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ, апелляция шикоят ва п...ари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхалари топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши, ЖПКнинг 498-моддасига асосан биринчи инстанция судининг ҳукмлари, ажримлари, агар улар апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Ж.Хожаев**